

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	83
Хайнриҳ Ҳайнненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ

Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларидан бири	88
--	-------	----

М.РАСУЛОВА, И.ҚҰЧҚАРОВ

Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
---	-------	----

Ҳ.ЗАКИРОВА

Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
--	-------	----

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Б.УМУРЗАҚОВА

Хорижий тилларни ўқитишида ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
--	-------	----

А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ

Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортининг назарий асослари	100
--	-------	-----

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.НАЗАРОВ

Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
--	-------	-----

Ш.ЖУМАНИЯЗОВ

Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
--	-------	-----

А.АБДУХАЛИМОВ

Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
---	-------	-----

И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА

Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
---	-------	-----

А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА

Ёшларда мағкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
---	-------	-----

С.СОДИҚОВ

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
---	-------	-----

А.САБИРДИНОВ

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
---	-------	-----

Д.ХУСЕНОВА

Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
--	-------	-----

В.ГИЁСОВА

Эртакнинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матннинг кўринишларидан бири сифатида	124
---	-------	-----

М.ШОКИРОВА

“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
---	-------	-----

А.АСИМОВ

Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишида инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
---	-------	-----

Д.ҚАМБАРОВА

Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
--	-------	-----

Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА

Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили	135
--	-------	-----

М.ДИЛБАРЖОНОВА

Тахаллус ва лақабларнинг кўлланилиши хусусида	138
---	-------	-----

И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА

Тасвирий санъат машғулотлари орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси	140
---	-------	-----

Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ

Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
--	-------	-----

М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ

Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишининг жадал усули	145
---	-------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	147
--------------------	-------	-----

БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИДА “БҮРИ” ЗООМОРФ МЕТАФОРАСИННИГ АНТРОПОЦЕНТРИК ТАҲЛИЛИ

Д.Юлдашева, Н.Набиева

Аннотация

Мақолада болалар фольклорида қўлланган “бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили берилган.

Аннотация

В статье рассматривается антропоцентрический анализ зооморфной метафоры «волк» в детском фольклоре

Annotation

The article deals with the anthropocentric analysis of the “wolf” zoomorphic metaphor in children’s folklore.

Таянч сўз ва иборалар: болалар фольклори, “бўри” зооморф метафораси, антропоцентрик ёндашув

Ключевые слова и выражения: детский фольклор, зооморфическая метафора «волк», антропоцентрический подход.

Keywords and expressions: children’s folklore, “wolf” zoomorphic metaphor, anthropocentric approach.

Маълумки, бугунги кунда лисоний фаолият бажарувчиси бўлган шахс омилини ўрганиш, яъни антропоцентрик ёндашув тилшуносликнинг ривожланаётган соҳалари – психолингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, прагмалингвистиканинг мустақил парадигмасига айланиб бормоқда.

Тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида эътироф этилганидек, антропоцентрик парадигманинг марказида нутқий фаолият бажарувчи – нутқ тузувчи ва уни идрок этувчи тил соҳиби туради [1.64].

“Тил соҳиби” тушунчасига эса қуидагича изоҳ берилади: а) муайян тилда нутқий фаолиятни амалга оширувчи, яъни нутқ тузиш ва уни идрок этиш қобилиятига эга бўлган шахс; б) тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланувчи шахс, коммуникант; в) ўз миллатининг миллий-маданий, маънавий қадриятларини акс эттирувчи луғат таркибини эгаллаган, уни намоён этувчи шахс; муайян тил вакили сифатида баҳоланади. [2.6]

Бола билан мулоқот жараёнида тил соҳиби тил вакили бўлиб қолмасдан, балки бола шахсини ҳаётга тайёрлаш, унда ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, «Мен» образини қуриш билан боғлиқ фаолият усулларини шакллантиришга қаратилган мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмасини ривожлантириш каби вазифаларн бажаради. Бу эса ўзбек оиласарида отаоналарнинг нутқида мазмуний

перцепцияга хос ҳусусиятларни когнитив-семантик, психолингвистик ва лингвокультурологик нуқтаи назардан тадқиқ этишни талаб этади. Ота-онанинг тил соҳиби сифатида фарзанди билан мулоқотда фольклор намуналаридан фойдаланиши бола нутқида товуш идроки ва муҳитини бойитади, нутқни ривожлантиришга кўмаклашади, интонацион тинглаш қобилиятини, шеърий матнда сўз жарангни ва оҳангдорлигига нисбатан сезирликни ривожлантиради. Илк ёшдаги болалар билан ишлашда катталар нутқига алоҳида талаблар қўйилади, чунки уларнинг нутқи тақлид учун намуна бўлиб хизмат қилади. Болаларга айтиладиган овутма, эркаламаларда бўталоқ, тойчоқ, қўзичноқ каби сўзларнинг қўлланилиши ҳам болаларни нафақат сўз идрокига, балки уларнинг атроф муҳитни англашига ёрдам беради. Д.Худойберганова зооморф метафора деб талқин этган бўталоқ, тойчоқ, қўзичноқ, қулун сўзларининг “бола”, “фарзанд” маъносида қўлланилиши, метафорик маънодаги ҳайвон ва паррандаларни билдирувчи сўзлар болада сўзга нисбатан сезирликни ривожлантиради. Шунингдек, миллий реалияларни сақлаб қолишга хизмат қилади [3.9]. Д.Худойберганова миллий реалияларни муайян халқнинг ҳаёти, турмуши, маданияти, ижтимоий-тарихий тараққиёти учун характерли бўлган предметлар, ҳодисалар ва обьектларни номловчи; бошқа халқлар учун унчалик таниш бўлмаган ёки бегона бўлган,

Д.Юлдашева – ФарДУ, филология фанлари номзоди.

Н.Набиева – ФарДУ филология факультети 2-босқич талабаси.

уларнинг тилларида аниқ муқобили бўлмаган, миллий колоритни ифодаловчи сўзлар ёки сўз бирикмалар сифатида баҳолайди. Бола унга айтилган овутма, эркаламалар ёрдамида илк ҳаётин даврида ёк тушуниш, фахмлаш, идрок этиш, муҳокама қилиш, фикрлаш, ўйлаб топиш қувватига эга бўлади ва бу хусусиятлар боланинг ўсиб камолга ета бориши билан ривожланиб боради. Бола туғилган кунларининг илк давриданоқ она алласидан баҳраманд бўлади. Улғайиб борган сари эртаклар оламига саёҳат қиласди. Оламни англай бошлиши сўз бойлигини оширишга ҳамоҳанг тарзда алла, эртакларни тинглаши, мақол ва топишмоқларни ўрганиши, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунишга ҳаракат қиласди. Уларда эса халқнинг ҳаёти, турмуши, маданияти, ижтимоий-тарихий тараққиёти учун характерли бўлган предметлар, ҳодисалар ва обьектларни номловчи; бошқа халқлар учун унчалик таниш бўлмаган ёки бегона бўлган, уларнинг тилларида аниқ муқобили бўлмаган, миллий колоритни ифодаловчи сўзлар ёки сўз бирикмалари учрайди.

Болалар фольклори ҳар бир халқ ўз тарихи, дунёқараси, ўзига хос мифологик тасаввурлар олами билан боғлиқ рамзлар тизимини ўрганишга, ўша халқнинг турмуш тарзи ва маънавий дунёсини яқиндан билиш имконини беради. Масалан, эртак ва санамаларда кўпланилган бўри тимсоли ҳам нафақат ўзбек ва туркий халқлар, балки аксарият дунё халқлари ҳаёти ва фольклорида алоҳида аҳамият касб этади.

Кўринадики, халқ эртаклари, қўшиқ, ибора, мақол ва маталларда очкӯз, ялқов, ўғри, зўравон, шафқатсиз, ваҳший кимсалар бўри тимсолида гавдаланади: Сен бўрини аясанг, бўри сени талар; От ўлса, ит қутураг, эшак ўлса – бўри; Қўй қарғиши бўрига ўтмас; Бўрининг ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас; Бўри қариса ҳам битта қўйга кучи ётар каби ўзбек халқ мақолларида ҳам бўри аллегорик восита сифатида салбий маъно кашф этади. Қўй ва бўри зидланишида мавқеи баланд, қўли узун кимсалар олдида бечораҳол одамларнинг оқизлиги намоён бўлади.

Бироқ туркий халқларнинг оғзаки ва ёзма адабиётида, тарихий манбаларида бўри аллегорик воситаси илк аждод руҳининг тимсоли, тотем ҳайвон сифатида ифодаланади.

“Бўри” зооморф метафораси алла матнида периферик семемаларни воқелантиради. Унда ҳар бир лексеманинг

фақат биргина периферик семемаси олиниб, бошқа лексемалар билан айнан шу семема орқали синонимик қаторни вужудга келтиради. Масалан, бўри лексемасида:

а) итсимонлар оиласига мансуб, тўрт оёкли, тез ҳид олиш каби семалар;

б) йиртқич ҳайвон семаси, тирик жонзотларни овлаш орқали озиқланиш семалари;

в) кучли, жисмонан бақувват каби семалар мавжуд бўлиб, лексеманинг семантик мундарижасини ташкил этади.

Алла матнида эса бўрининг фақат кучли семемаси биринчи ўринга чиқиб, тотемик эътиқод натижасида тотемик тушунчага боғланади.

Тотемик тушунча илк уруғчилик давридан пайдо бўлиб, у диний дунёқарашнинг шаклланиш даврига тўғри келади, уруғ ва қабилалар бирор ҳайвон, ўсимлик ёки предмет билан ўзининг қариндошлик иплари боғланиб турган деб ҳис этган. Бунинг натижасида тотем тушунчалар пайдо бўлган, яъни одамларнинг ҳайвонларга қаттиқ ишониш эътиқоди юзага келган. Тотем у ёки бу уруғнинг топинган ҳимоячиси ҳисобланган. Кўринадики, алла матнида оддий йиртқич-бўри эмас, балки муқаддаслаштирилган бўри ва унинг бақувватлиги таъкидланган, туркларнинг қадимиј аждодлари бўрини муқаддас ҳайвон ҳисоблашган. Маълумотларга кўра, V-VI асрларда туркларда бўри ва хон сўзлари ўзаро маънодош тушунчаларни англатган. Шунинг учун қадимги туркларнинг байроқларида бўри тасвирланган рамзлар мавжуд бўлган. Ўзбекларда бўри чақалоқни асрайди, деб тушунилиб, чақалоқни бўри терисига ўраш ёки унинг озиқ тишини сақлаш удуми мавжуд. Баъзида тиш билан туғилган болаларни Бўрихон, Бўрибой, Бўринисо, Бўритош каби исмлар билан чақириш ҳали-хануз сақланиб келмоқда. Қадимдан бўрига сифиниш, унга эътиқод қўйиш натижасида бўридаги улуғворлик семасига бўри зоонимининг кучли семаси қўшилиб, контекстуал-окказионал маъно ҳосил қилинган: “Чопинганим бўридай, алла, Бўриларнинг зўридай, алла. Йигит бўлар чирогим, алла, Ўзи эрнинг эридай, алла.” Турк ва мўғулларда бўрига одамни барча бало-қазолардан, ёвуз кучлардан асрорчи, касалликлардан ҳимоя этувчи ҳомий сифатида эътиқод қилишган. Негаки, бўри ер юзининг барча худудларида яшашга мослашган кам турли ҳайвонлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, бўрининг инсон

ИЛМИЙ АХБОРОТ

эътибори ва ҳурматига, эътиқодига асос бўлган табиий хусусиятлари мавжуд. *Бўри боласини қўлга ўргатиб бўлмас; Бўри боласини бўркингда боқсанг ҳам турмас; Бўри бойлаганга кўнмас, ит – ҳайдаганга мақолларида бўрининг эркинликни хуш кўриши, уни қўлга ўргатиб бўлмаслиги назарда тутилган.* Мақол вариантидаги *бўрк* қадимги туркий тилга хос сўз бўлиб, “бош кийим” маъносини билдиради. Халқимизда ўз муддатида туғилмаган, чала гўдаклар бўркка, телпакка солиб, авайлаб, ардоқлаб парваришланган. *Бўри боласини бўркингда боқсанг ҳам турмас мақолида бўри боласини эҳтиётлаб боқсанг ҳам эл бўлмайди, дейилмоқда.* Бу орқали худбин, кишига вафо

қилмайдиган кимсалар назарда тутилган. Ўзбек халқига хос ишонч-эътиқодлардан бири халқ тасаввурида салбий ифода семасига эга бўлган воқеа-ҳодиса, нарса-предметларни, шунингдек, тотем ҳайвон номларини оғзаки ва ёзма нутқда ҳадеганда қўллайвермаслиқдир. *Бўрини йўқлассанг, кулоги кўринади мақоли аждодларимизнинг ирим-сириларига бориб тақаладиган халқ оғзаки ижоди намуналаридан бири саналади.*

Юқоридагилардан хulosा қилиб шуни айтиш мумкинки, болалар лугатини фольклор элементлари билан бойитиш болада ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштиришга, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, “Мен” образини қуришга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Воркачев С.Т. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкоznании // Филологические науки. – М., 2001. – № 1.
2. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2012. – № 5.
3. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли лугати. – Т., 2015.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)